



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATISHO'RCHI TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Sho'rchitumani, Mustaqillik ko'chasi 72-uy. 191500 tel.: (+99876) 457-41-00, shurchi\_t@exat.uz

2021-y "11" mart

Қ-536 -son

Sho'rchi t.

**Шўрчи тумани “Боботоғ” СИУ худудидаги туман захира ерларидан фуқаро Йўлдошева Бахринисога боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун узоқ муддатли ижарага ер ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.Фаниевнинг 2020 йил 22-28 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-11-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан фуқаро Йўлдошева Бахринисонинг туман ҳокими номига ёзган аризасини ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 13 январдаги 10-сонли йиғилиш баённомасига асосланиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 13 январдаги 10-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Туманнинг “Боботоғ” СИУ худудидан фуқаро Йўлдошева Бахринисога боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун туман захира ер фонди ҳисобидаги 40к-контуридаги жами 7,0 гектар (шундан 7,0 гектар яйлов ер) ер майдонлари 49 йил муддат билан ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Х.Мамараимов)га фуқаро Йўлдошева Бахринисога узоқ муддатли ижарага ажратилган ер майдонини жойида чегараларини белгилаб бериш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш ва тегишли хўжаликлар ер ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

4. Янги ташкил этилаётган фермер хўжалиги бошлиғи Йўлдошева Бахринисога 10 кун муддат ичида Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими, туман Давлат хизматлари маркази, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлиmidан рўйхатдан ўтказиш ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари О.Шерназаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Худойберганов

